

«Хоразм Дори-Дармон» масъулияти чекланган жамияти бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан директор С.Қ.Бобожонов уставга асосан фаолият кўрсатувчи, иккинчи томондан РСТЭНАМ Хоразм филиали бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан А.С.Машарипов уставга асосан фаолиятини амалга оширувчи куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» «Харидор»нинг талабномаси асосида Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган махсулотларни сотади, «Харидор» эса олган товарнинг ҳақини «Сотувчи»нинг банкидаги тегишли ҳисоб рақамига келишилган муддатда ўтказиб беришни ўз зиммасига олади.

1.2. Шартноманинг мўлжалланган суммаси _____ ҚҚС сиз сўмни ташкил қилади (бу суммага транспорт харажатлари кирмайди).

1.3. Шартноманинг мўлжалланган суммаси 1495007,40 (бир миллион тўрт юз тўқсон беш минг етти сўм) кикк тўтин ҚҚС билан жами сўмни ташкил қилади (бу суммага транспорт харажатлари кирмайди).

1.4. Сотилган товарларнинг умумий баҳоси, тури, сони, нархи спецификацияда ва ҳисоб-варақида кайд этилади.

II. МАХСУЛОТ СИФАТИ

2.1. «Сотувчи» «Харидор»га Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган, сифат, маркировка ва ўрамлари фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга бўлган, ишлатиш муддати 80%дан кам бўлмаган дори воситалари ва тиббий буюмларни сотади. Яроқликлик муддати 80% кам бўлса, «Харидор» билан келишилган ҳолда сотиб олинади.

III. ЖўНАТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. «Харидор» гиёҳванд ва психотроп дори воситалари ҳамда прекурсорларни сотиб олишда уларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолият учун олинган лицензия нусхасини «Сотувчи»га тақдим қилиши лозим.

3.2. Сотилган дори воситаларини қайтариш масаласи иккала томон келишган ҳолда амалга оширилади.

3.3. Ушбу шартноманинг 4.1. бандига мувофиқ тўлов амалга оширилгандан сўнг 10 кун муддат ичида товарларни жўнатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар иккала томон келишган ҳолда қопланади.

3.4. Товарларни етказиб бериш санаси этиб, тарафлар томонидан ҳисоб варақида қўл қўйилган кун белгиланади.

IV. ТўЛОВ ШАРТЛАРИ

4.1. Тўлов тартиби олдиндан махсулот умумий нархининг 30 % шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун ичида тўлаши, қолган 20 % суммаси эса тарафлар ўртасида қабул қилиш олиш акти имзоланганидан кейин 3 кун мобайнида амалга оширилади.

4.2. Агарда тўлов, шартноманинг 4.1 бандига асосан амалга оширилмаган тақдирда, «Сотувчи» ушбу шартномани бир тарафлама бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

4.3. Агарда «Харидор» ушбу шартнома имзолангандан кейин 3 кун ичида махсулотни танлаб олишни амалга оширмаса, «Сотувчи» ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, олдиндан тўланган тўлов қийматини 5% ушлаб қолган ҳолда қайтарилиши лозим бўлади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юридувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунига мувофиқ мулкый жавобгардирлар.

5.2. Шартномани 2.1 бандига асосан «Сотувчи» томонидан сотилган махсулот сифатсизлиги тегишли ҳужжатлар билан 3 кун ичида тасдиқланса, у ҳолда «Сотувчи» сифатсиз махсулотни сифатли махсулот билан алмаштириб беради.

5.3. Агарда «Харидор» ушбу шартномада кўрсатилган тўлов муддатини кечиктирган тақдирда, ҳар бир тўлов амалга оширилмаган кун учун шартнома суммасининг 0,5% миқдорда, лекин ушбу шартнома умумий суммасининг 50%дан юқори бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.

ООО "ХОРАЗМ ДОРИ-ДАРМОН"

дизайн

Спецификация к договору № 1/136 от 04.02.22 года

№ пп	Наименование	Ед. изм.	Серия	Кол-во	Цена	Сумма
1	Спирт этиловый 96,60% (этанол)	кг	24012022	60	24916.79	1495007.40

Всего товаров на сумму: 1495007.4 сум.

Поставщик: ООО "ХОРАЗМ ДОРИ-ДАРМОН"

Покупатель: Республика суд-тиббий экспертиза
ИАМ Хоразм филиали



Спецификация к договору № 1/136 от 04.02.22 года